

Тиловат саждасининг фазли | Ҳадис дарслари (360-дарс)



19:00 / 31.12.2025 560

Бу дарсимизда Қуръони Каримдаги сажда оятлари тиловат қилинганда сажда қилиш, унинг фазли, ҳукмлари ва бошқа шунга оид масалалар баёни келган ҳадиси шарифлар ўрганилади.

Одатга кўра аввал ушбу масала ҳақидаги ояти карима келтирилмоқда:

يَسْتَكْبِرُونَ لَا وَهُمْ رَبَّهُمْ يَمْدَحُونَ وَسَبَّحُوا سَجْدًا خَرُّوا بِهَا ذُكُّرُوا إِذَا الَّذِينَ يَكْفُرُونَ يُؤْمِنُ إِنَّمَا هُنَّ آيَاتُ اللَّهِ لِقِ

Аллоҳ жалла шаънуҳу:

«Албатта, Бизнинг оятларимизга қачон улар билан эслатилсалар, кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида саждага йиқиладиганлар ва

Демак, инсон боласи бахт-саодатининг асосий манбаи – унинг ўз Роббига қилган саждаси экан.

Шайтон Аллоҳнинг борлигини инкор қилмайди, аммо Аллоҳнинг сажда қилиш ҳақидаги амрини қилмаганлиги учун лаънатга учраган, дўзахи бўлган.

Энди «Мен ҳам Аллоҳга ишонаман», деб, унга сажда қилмай юрган одам болаларининг шайтондан нима фарқи борлигини ўйлаб кўрайлик.

Эҳтимол, улар шайтондан ҳам баттардирлар? Чунки Аллоҳ шайтонни саждадан бош тортиши билан дарҳол лаънатлаб, даргоҳидан қувган. Одам боласидан бўлган шайтонлар эса ўзлари учун берилган фурсатдан ҳам фойдаланмай юравердилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Сажда оятини тиловат қилганда сажда қилиш кераклиги.
2. Одам боласи тиловат саждасини қилганда шайтон четга чиқиб, надомат чекиши.
3. Тиловат саждасининг фазли.
4. Сажда жаннатга киришнинг омили эканлиги.
5. Саждадан бош тортиш дўзахга киришнинг омили эканлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.